


ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ – БОШ МЕЗОН

“Адолат, ижтимоий тенг-лик ва тежамкорлик янги иқтисодий йўналишимизнинг ўзагига айланади”, деди Президент Қ. Тўқаев жорий йилги Мактубида. У Қозоғистон иқтисодий тараққиётининг янги шаклини тақдим этиб, бу “мамлакатнинг рақобатбардош устуворликларидан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг меҳнат, капитал, захиралар, технология каби асосий омиллар салоҳиятини юксак даражада ривожлантиришга асосланганлигини таъкидлади.

Адолатли Қозоғистоннинг янги иқтисодий йўналиши халқнинг иқтисодий маданиятини, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий тафаккури, билимини юксалтиришни назарда тутди. Агар бу раҳбарлар, мутахассислар, тадбиркорлик соҳаси вакиллари учун касбий иқтисодий маҳорат мактаби бўлса, бошқа соҳа вакиллари, ишчилар, ҳатто ишсизлар учун ҳам иқтисодий саводхонлик, иқтисодий билим ва кўникмаларга эга бўлиш имкониятидир.

Иқтисодий муаммоларимизнинг аксарияти қисман одамларнинг молиявий саводсизлиги билан боғлиқ, деб ҳисоблайман. Бозор даврида иқтисодий муносабатларга аралашмайдиган одам қолмайди. Лекин оилавий ҳаётимиздаги маиший хўжалик муаммоларини ҳал этишда ҳамон давлатдан ёрдам кутамиз,



салтириш йўлида босқичма-босқич қадам ташлаши керак.

Бунинг учун аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Биринчидан, боғчадан бошлаб барча таълим муассасаларида молиявий саводхонликни оддий усулда ўргатишни бошлаш керак. Катталар учун мавжуд ёки керак бўлганда пулли қўшимча курслар ташкил этилиши жоиз. Бу бизнес курслари дегани эмас, улар ҳозирча етарли.

Болалар боғчасида болалар билан ишлашда бошланғич иқтисодий ўйинлардан фойдаланиш зарур. Мактабда иқтисодий география ва унинг йўналишларини ўқитишни кучайтирган афзал. “Ўқувчиларнинг иқтисодий билими ва молиявий саводхонлиги” мактабдаги тарбиявий ишлар йўналишларидан бири бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, кўпчиликнинг

муаммоларини ҳал этишда ҳамон давлатдан ёрдам кутамиз, шўро давридан қолган "боқимандалик руҳияти"дан ҳамон кутула олмаяпмиз. Ҳукумат турмуш сифати паст гуруҳларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтирмоқда. Лекин шахс ва оиланинг моддий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда давлатдан ёрдам кутиш руҳиятини келажақ авлодга "анъана" сифатида ўтказмаслик керак. Шундай экан, ишлаб чиқариш соҳасида, тадбиркорлик соҳасида ишчи-хизматчи бўлсакда, иқтисодий маданиятимизни юксалтиришимиз керак.

Ҳа, ижтимоий мавқеи паст оилалар, ишсизлар турли турмуш шароитларига дучор бўлиб, оғир моддий аҳволга тушиб қолишлари уларнинг руҳияти, тафаккури, ҳаётий қадрият йўналишларига таъсир этаётганини пайқаш қийин эмас. Бундай ҳолларда одам кўп саволларга жавоб топа олмайди: «Мен қандай яшашим керак?!» Ҳаётдаги оғир вазиятларни енгиш учун янги билим ва тажриба керак. Бу – молиявий саводхонлик.

Жамиятдаги адолат ижтимоий мавқеи қуйи, ишбилармонларнинг бойликини баҳам кўриши билан ўлчанади десак, ҳар доим ҳам адолатдан бўлмайди. Ўйлаёмизки, ижтимоий аҳволи оғир оилалар ҳам иқтисодий савиясини ошириб, жамият олдидagi масъулиятни ҳис этиб, келажақда ўз молиявий ҳолатини яхшилаш, давлатимиз иқтисодийетини юк-

керак, деб ҳисоблайман.

Ўйлаيمانки, кўпчиликнинг молиявий саводхонлигини ошириш учун кўшимча маблағ талаб қилиш ёки мактаб дастурларини янада мураккаблаштириб, болаларни "бош оғриғи" қилиш керак эмас. Бунга кўнгиллиларнинг жалб этилиши яхши самара беради. М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетининг "Молия" таълим йўналиши 1-босқич "Иқтисодиёт ва менежмент" таълим йўналиши талабалари тажрибага асосланиб, академик факультетда "Жамоатга хизмат" курси доирасида бир қанча ижтимоий пойиҳалар ишлаб чиқдилар. 2022-2023 ўқув йилида мактаб ўқувчилари ва талабалари ихтиёрий равишда молиявий саводхонлик бўйича дарслар ва тренинглар ўтказдилар.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбарининг Мақтубида илгари сурилган Қозоғистоннинг янги иқтисодий йўналишини ҳаётга татбиқ этиш учун биз аҳолининг иқтисодий саводхонлиги, маданияти, мутахасссларнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Неъматжон АЛМЕТОВ,
М. Ауезов номидаги
Жанубий Қозоғистон
университети "Замонавий
педагогика ва психология"
кафедраси профессори,
педагогика фанлари
доктори.